

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЧЎЛИЕВА ВАСИЛА ЭРКИНОВНА

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fal 130 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримов Сойимназар Каримович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Дусчанова Умида Эшчановна
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____соат ____даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор.

Х.А. Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

Қ.Н.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон цивилизациясининг ҳар бир босқичида инсониятни маънавий ва ахлоқий камолотига эришиш масаласи долзарб ҳисобланган. Маънавий таҳдидлар, ахлоқий бузилишлар глобал миқёсда кучайиб бораётган тараққиётнинг бугунги босқичида ҳам инсонлар маънавий иммунитетини, ахлоқий сифатларини ривожлантиришга ва бунда Шарқ мутафаккирлари маънавий меросидан самарали фойдаланишга зарурат сезилмоқда. Чунки, Шарқ мутафаккирлари ижодида инсон маънавий-ахлоқий камолотига эришишнинг ҳар қандай ижтимоий макон ва замон учун универсал бўлган мезонлари мавжуд бўлиб, уларни бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил этиш ҳамда амалиётда фойдаланишни янги босқичга кўтариш юқоридаги муаммолар ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон илм-фанида аксиологик йўналишдаги илмий-фалсафий тадқиқотлар асосида руҳий бирдамлик, умуминсоний маданиятлараро алоқадорлик, ижтимоий бирлик каби тамойилларнинг ривожланиши контекстида инсоннинг моддий ҳамда номоддий оламидаги бугунги ўрнига нисбатан субстанционал, релятивистик ёндашувлар соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан бирига айланди. Айниқса, Шарқ мутафаккирлари илмий-маънавий меросини, хусусан, Жалолиддин Румийнинг илмий меросини ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда яхлит тизим сифатида илмий изланиш олиб бориш, маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, илмий-тарбиявий, ижтимоий-фалсафий қарашлари негизида замонавий таълим-тарбияни ривожлантириш бугунги куннинг объектив заруриятидир.

Мамлакатимизда буюк аждодларимизнинг илмий-назарий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни эзгу анъаналаримиз руҳида тарбиялаш бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига синдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”.¹ Бу борада Жалолиддин Румийнинг жаҳон миқёсида эътироф этилган ёшлар тарбиясига оид соғлом эътиқод, юксак маънавият, ирфоний тафаккур ва комил инсонни тарбиялаш каби гуманизм, альтруизмга доир ғояларининг мазмун-моҳиятини бугунги кун нуқтаи назаридан илмий-назарий таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 18 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 29.12.2018

“Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жалолиддин Румийнинг ижодини тадқиқ этиш ишларига XIV асрдан бошлаб алоҳида эътибор берилган. Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқа алломалар асарларида бу мутафаккир ҳаёти ҳамда ижодига оид муҳим маълумотларни учратиш мумкин. Жаҳонда, хусусан, АҚШда Румий ижодига қизиқиш ва унинг илмий меросини тадқиқ этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Р.Никольсон ва А.Арберрилар мутафаккир ижодини ўрганиш ва истифода этиш ишларини биринчилардан бўлиб бошлаб берган ҳамда улар томонидан Румий асарлари инглиз тилига таржима қилинган. Айниқса, Ш.Джан, У.Читтик, Дж.Балдок ва К.Эрнст¹ каби олимлар тадқиқотларида алломанинг илмий-фалсафий мероси таҳлил қилинган.

Рус олимларидан В.Бартольд² ва А.Кримский ўз тадқиқотларида мутафаккирнинг ижтимоий қарашларини таҳлил қилишган бўлса, Р.Фиш, Д.Щедровицкийлар унинг шахсияти, ҳаёти ҳақида тарихий қўлёзма манбаларга таянган ҳолда кўплаб муҳим маълумотларни оммага маълум қилишган ҳамда Жалолиддин Румий ҳақида тарихий романлар яратишган.

Эрон ва Туркияда ҳам Жалолиддин Румийнинг илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. М.Истеълумий, А.Гўлпинарли³, А.Зарринкуб ва У.Н.Тупбош каби олимлар Румий ижодини ўрганишда унинг диний, фалсафий ғояларини уйғунлаштирган ҳолда тадқиқ этишган бўлса, Доктор Ҳасан Кичик эса мавлавийлар томонидан шакллантирилган мавлавия тариқати тарихи, маросим қоидалари ҳамда самоъ рақслари шартлари юзасидан изланишлар олиб борган. Тожикистонда Яқоби Аҳмад Фаҳим, Х.Зиёев, К.Саидолимов, З.Тохиров, Х.Мусозода, Ш.Карамхудоев, М.Махмаджонова ва Ю.Озьяшарлар томонидан Жалолиддин Румийнинг ижодини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Ўзбек фалсафаси ривожидида ҳам Жалолиддин Румийнинг ўрни беқиёс. Ўзбек олимларидан А.Авлонийнинг “Мухтасар тарихи анбиё ва ислом”, А.Фитратнинг “Мухтасар ислом тарихи”, Н.Комиловнинг “Тасаввуф”,

¹Эрнст К. Суфизм.-М.:ФАИР-ПРЕСС, 2002.-стр.108.

²Бартольд В.В.Ислам и культура мусульманства.-М.:МГТУ, 1992.-стр.224.

³Golpinarli A. Mevlana. Hayati, sanati, eserleri. - Istanbul. 1954.-B.35.

“Тафаккур карвонлари” асарларида Жалолиддин Румийнинг тасаввуф таълимотидаги ўрни, унинг Ғарб маданияти ривожига таъсири ва диний бағрикенглик ҳақидаги ғоялари тадқиқ этилган бўлса, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол¹ “Маснавийи маънавий” асарини тўлиқ ҳолда, А.Маҳкам эса асарнинг биринчи ва иккинчи дафтарларини насрий ва назмий тарзда ўзбек тилига таржима қилишган. У.Ҳамдам алломанинг “Ичиндаги ичиндаир” асарини, Р.Ҳақимжонова “Мажолиси сабъа” асарлари таржимасини ўзбек китобхонларига тақдим этишган. О.Бўриевнинг “Маснавийи нур”, С.Ғаниеванинг “Шарқу Ғарб”, Ш.Шомухамедовнинг “Гуманизм-абадийлик ялови”, С.Н.Иброҳимнинг “Румиёна”, Б.Тўраевнинг “Синергетика”, Н.Жўраевнинг “Тарих фалсафасининг назарий асослари” ҳамда Б.Каримов, Қ.Назаров, С.Каримов, Г.Наврўзова, Ҳ.Саломова, Р.Шодиев, Н.Сафарова, С.Рафиддинов ва Ҳ.Юлдашходжаевларнинг илмий тадқиқот ишларида Румий ғоялари, илмий мероси, асарлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган. Р.Жумаев ““Маснавийи маънавий” ва “Лисон-ут тайр”даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили”, Г.Избуллаева² эса “Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш” мавзусида илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Жалолиддин Румий ижодини ўрганиш бўйича фалсафа фани тарихида бир қанча илмий-тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамай, алломанинг фалсафий қарашларидаги маънавий-ахлоқий ва умуминсоний қадриятларга оид ғоялари ҳозирги замон нуқтаи назаридан махсус ўрганилмаганлиги сабабли, мазкур жиҳатлар ушбу илмий тадқиқот ишини “Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларида маънавий-ахлоқий қадриятлар” деб номланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний қадриятлар ва жамият барқарорлиги” дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жалолиддин Румийнинг асарларидаги маънавий-ахлоқий қадриятларга оид таълимотининг ҳозирги замон илмий-назарий ва маънавий-маърифий қарашларидаги аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жалолиддин Румий таълимотини фалсафий, маънавий-ахлоқий мазмун билан бойитган тасаввуфий таълимот сифатида юзага келиш тарихини тадқиқ этиш;

мутафаккир илмий меросининг Шарқ фалсафий тафаккури ривожига аҳамиятини очиб бериш;

Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларидаги асосий маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳисобланмиш яхшилик ва ёмонлик муаммоси, инсон

¹Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Ж.Камол тарж.-Т.:MERIYUS, 2010.1,2,3,4,5,6-дафтарлар.

²Избуллаева Г. “Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш”. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.-Т.:2018

камолотида илмнинг ўрни, нафс тарбияси ва маънавий поклик, касб-ҳунар эгаллаш, оила мустаҳкамлигини асраш, илм-маърифатга интилиш каби масалаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий қадриятларга оид қарашларини ёшлар дунёқарашида ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги ўрнини ёритиб бериш;

Жалолиддин Румий таълимотидаги диний-ирфоний, фалсафий, маънавий-ахлоқий қарашларнинг бугунги кундаги аҳамиятини мазмунан очиб бериш ҳамда маънавий-ахлоқий баркамоллик фазилатларини шакллантиришдаги ўрнини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларидаги маънавий-ахлоқий қадриятларга оид масалалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Жалолиддин Румийнинг илмий мероси ва фалсафий қарашларидаги маънавий-ахлоқий, умуминсоний қадриятларга оид ғояларини тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий билишнинг қиёсий солиштириш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, манбалар таҳлили каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

алломанинг “Маснавий маънавий” асарида илгари сурилган эвдемонизм, мелиоризм, ижтимоий фаоллик сингари гуманистик ғоялари ёшларнинг маънавий дунёқарашини кучайтиришга қаратилганлиги мантиқий асослаб берилган;

шахс ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тизимини тартибга солишда Жалолиддин Румийнинг диний бағрикенглик, руҳий бирдамлик, умуминсоний маданиятлараро алоқадорлик каби қарашлари умумлаштирувчи, барқарорлаштирувчи хусусиятга эгаллиги қиёсий таҳлил асосида аниқланган;

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, илмий-тарбиявий, ижтимоий-фалсафий қарашлари замонавий таълим-тарбияни шакллантиришда конструктив (самаравий ва ўзаро уйғунлаштирувчи) омил эканлиги фалсафанинг атрибутив категориялари воситасида далилланган;

Мутафаккир илгари сурган жисм, руҳ, ақл баркамоллиги сингари секуляристлик ғоялари “комил инсон”ни ва “адолатли жамият”ни шакллантиришга қаратилганлиги илмий-назарий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий қадриятларга доир фалсафий қарашларидан турли маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирларида фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилган;

қадрият, маънавий қадрият, ахлоқий қадрият ва умуминсоний қадрият тушунчалари илмий-фалсафий таҳлиллар мисолида ёритилган;

Жалолиддин Румийнинг илм, меъёр, ҳақиқат каби маънавий қадриятларга, яхшилик ва ёмонлик, тарбия, қаноат каби ахлоқий қадриятларга оид қарашлари фалсафий таҳлил этилган;

тадқиқот ишида ўзбек халқининг ҳозирги замон маънавий ҳаётида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг шаклланишига таъсир қилувчи омиллардан амалиётда кенг фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ОАК рўйхатидаги махсус журналлар, хорижий журналларда чоп этилган илмий мақолаларда акс эттирилган хулосалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялар, таклиф ва хулосалардан ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги фалсафа, мантиқ, этика, эстетика, адабиётшунослик ва педагогика соҳасида ўтказилган илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий қадриятларга оид қарашларидан “Маънавият ва маърифат” марказлари амалиётида, “Ёшлар иттифоқи” Кенгаши томонидан аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишда, ижтимоий соҳада фаолият олиб борувчи нодавлат ношароит ташкилотлар ва маҳаллалар ўз амалий фаолиятларида, шунингдек, фалсафа, этика-эстетика, маданиятшунослик каби фанларни ўқитишда мутафаккирнинг фалсафий қарашларига оид ғояларини ўрганиш ва таълим муассасалари учун ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларидаги маънавий-ахлоқий қадриятлар таҳлили бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар асосида:

алломанинг “Маснавийи маънавий” асарида илгари сурилган инсонийлик, меҳр-шафқат, ижтимоий бирлик сингари гуманистик ғоялари ёшларнинг маънавий дунёқарашини кучайтиришга қаратилганлигига оид илмий-назарий ғоялари, таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида ёшларнинг аجدодлар меросини ўрганиш ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга оид тадбирларида, хусусан, 2019 йил май-июнь ойларида Республика миқёсида ўтказилган “Буюк мутафаккир ёшлар нигоҳида” дастур лойиҳасининг сценарийсини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 3 октябрдаги 04-13/4518-сон маълумотномаси). Бу эса ёшларни аجدодларимиз илмий, маънавий меросини чуқур англашига ва жамиятда тинчлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши жараёнларига жалб қилишда, йигит-қизларнинг маънавий ҳамда касбий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилган;

шахс ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тизимини тартибга солишда Жалолиддин Румийнинг диний бағрикенглик, руҳий бирдамлик,

умуминсоний маданиятлараро алоқадорлик тамойилларининг бирлаштирувчи, барқарорлаштирувчи функционал роли аниқланганлигига оид назарий ғоя ва амалий аҳамиятга эга таклиф-тавсияларидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2015-2017 йилларда бажарилган “Фалсафа тарихини ўрганиш асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизмини тадқиқ этиш” мавзусидаги А-1-133+(А-1-132)-рақамли грант лойиҳасининг учинчи босқичидаги режалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 10 октябрдаги 02/09-1387-сон маълумотномаси). Натижада, бугунги барқамол авлодни маънавий-ахлоқий қадриятларимизни ҳурмат қилиш, Ислом динининг асосий моҳиятини англаш ва уларни турли экстремистик оқимлар ғояларидан ҳимоя қилишда ҳамда ватанпарварлик, эзгулик, бирдамлик руҳида тарбиялашга хизмат қилган;

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, илмий-тарбиявий, ижтимоий-фалсафий қарашлари замонавий таълим-тарбияни шакллантиришда конструктив асос эканлиги фалсафанинг атрибутив категориялари воситасида далилланганлигига оид илмий-назарий фикр-мулоҳозалар ва таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи музейининг электрон каталогини тайёрлашда, шунингдек, тарихий қўлёзмалар фондини ва музейнинг буюк алломалар фаолиятига оид экспонатини янада кенгайтиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 01-12-14-5070-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейининг тарихий қўлёзмалар фондини мутафаккирнинг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, илмий-тарбиявий қарашлари билан бойитишга ва музей фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мутафаккирнинг жисм, рух, ақл барқамоллиги сингари ғоявий таълимотидаги инсон тафаккурига қаратилган ўзаро алоқадорлик концепцияси жамият тараққиётининг субстанционал асоси эканлигига оид фикр-мулоҳазалари ва таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар” муҳарриятининг “Бедорлик”, “Миллат ва маънавият” номли эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 3 октябрдаги O’z/R-04-25-2057-сон маълумотномаси). Натижада, Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларидаги маънавий-ахлоқий қадриятлар таҳлилига доир илмий, амалий ва методологик ғоялар кенг жамоатчиликка трансформациялашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ОАК тасарруфидаги ва 2 та хорижий журнал материалларида, 8 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (жумладан, 3 та Республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган Олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Фалсафий тафаккур тарихи тизимида Жалолиддин Румийнинг тутган ўрни”** деб номланган биринчи бобида мутафаккирнинг ҳаёти, илмий мероси ҳамда мавлавия тариқатини шаклланиш ва ривожланиш босқичлари таҳлил этилган.

Истиқлол шарофати билан халқимиз маънавий-маърифий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Шарқона этика тамойилларига хос бўлган маънавий-ахлоқий кадриятларга оид қарашлар ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маънавий-ахлоқий кадриятларга доир ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, олижаноблик, бурч, виждон, адолат, ҳалоллик каби жамият маънавий тараққиётига хизмат қилувчи ижтимоий қарашлар ривожига бўйича бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Маълумки, кадрият тушунчасининг миллий кадрият, умуминсоний кадрият, маънавий кадрият, ахлоқий кадрият каби қатор турлари мавжуд бўлиб, бу кадриятлар ижтимоий ҳаёт ва тарихий тараққиётнинг маҳсули саналади. Ёшларимизни соғлом фикрли ва ҳар томонлама етук шахслар қилиб тарбиялашимизда, жамиятимиз ривожига ҳамда инсониятнинг маънавий, маърифий, маданий, ахлоқий жиҳатдан юксалишида маънавий-ахлоқий кадриятлар муҳим омиллардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида тасаввуф илмини ўрганиш ва тасаввуф илми доирасида қаторилмий-тадқиқот ишлари амалга оширилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Буюк тасаввуф намояндлари ҳамда мутасаввифлар ижодини ўрганиш ва талқин этиш масалалари ҳам бирмунча эркинлаштирилди. Тасаввуф илми асрлар оша кишиларни маънавий ва руҳий покликка, комилликка, шунингдек, соғлом эътиқодга даъват этувчи юксак ахлоқий ҳамда ирфоний тафаккурни ўзида мужассамлаштирган муқаддас

илмлардан ҳисобланади. Муаззам Шарқда бу илм билан шуҳрат қозонган минглаб валийлар-у мутафаккирлар камол топганлар. Ана шундай улуғ сиймолардан бири Мавлоно Жалолиддин Румийдир. Бу улуғ зот 1207 йилнинг 30 сентябрида ҳозирги Афғонистон шимолида жойлашган ва ўша даврларда хоразмшоҳларга қаршли бўлган Балх шаҳри яқинидаги Вахш қишлоғида таваллуд топган. Мавлоно туғилган жойи нисбатига кўра “Балхий”, дўсти Шамс Табризий хотирасига кўра “Табризий” ва яшаш маконига кўра “Румий” тахаллуслари остида ижод қилган. Бу номлар орасида у кўпроқ Румий тахаллуси билан машҳур бўлган. Жалолиддин Муҳаммад ёшлигиданоқ юнон тилига қизиққанлиги туфайли бу тилни пухта ўрганади, юнон тилида равон сўзлашишни ўзлаштиради. Кейинчалик эса буюк юнон файласуфи Афлотун асарларини аслиятда ўқиб чиқиб, антик даврлар фалсафаси билан ҳам яқиндан танишади. Орадан йиллар ўтиб ўзининг машҳур “Маснавийи маънавий”, “Ичиндаги ичиндадир” асарларида антик давр фалсафасининг йирик файласуфлари Арасту, Афлотун, Гален, Геродот, Эзоп ва Гераклитларнинг номларини, уларнинг фалсафий-ахлоқий қарашларидан туркум намуналарни ҳам келтириб ўтади.

Мавлоно Румийнинг бой илмий мероси ва фалсафий ғоялари нафақат сўфийлик назарияси ҳамда фалсафа илмини ўрганаётганларга, балки “Инсон” деб аталмиш мавжудотнинг моҳиятини англашни истаган барча ўқувчилар доираси учун аҳамиятлидир.

Жалолиддин Румийнинг илмий меросини мавзу кўлами жиҳатидан шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Миллий-ватанпарварлик мавзуси;
2. Тасаввуфий, диний-фалсафий ва ахлоқий мавзу;
3. Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик мавзуси;
4. Ишқий мавзу;
5. Маърифатпарварлик мавзуси;
6. Ижтимоий-маиший муаммолар мавзуси.

Жалолиддин Румийнинг илмий мероси билан танишиш баробарида биз фалсафа фанининг асосий мавзуларини теранроқ англай бошлаймиз: онтология – борлик ҳақидаги таълимот кўринишида, Аллоҳ ва борлик ҳақида; гносеология – ҳақиқат нима ва уни англаш йўллари ҳақида; антропология – инсоннинг пайдо бўлиши, моҳияти, ҳаёти, ўз “Мен”ини кашф қилиши; диалектика – меъёр, сабаб ва оқибат категориялари ҳақидаги ғоялари инсониятни фалсафий мушоҳада юритишга даъват этади.

Мавлавия тариқати Шарқда анча маълум ва машҳур, кенг тарқалган тариқатлардан бири саналади. Бу тариқатнинг асосини осмоний жисмларнинг рамзи бўлмиш рақси самоъ ташкил қилади. Улар шиддатли ҳаракат ва рақс жараёнида ўзидан кетишни Ҳаққа етиш они деб билишади¹. Мавлавия тариқати VIII асрдан буён кўпгина миллат ва элат вакиллари ўз атрофида бир оила қилиб бирлаштирган умумбашарий таълимотдир. Шунингдек, мавлавийларда диний бағрикенглик ғояларига ҳам альтруистик жиҳатдан

¹Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. -Т.:Шарқ, 2009. -Б.10.

ёндашилади. Улар асосий эътиборни инсон моҳиятига қаратган ҳолда, мусулмон ва мусулмон бўлмаган барча кишиларни ўз сафдошлари деб ҳисоблайдилар. Мавлавия тариқатида тил ва дил бирлиги ғоялари ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Шарқдаги мавжуд бошқа тариқатлардан мавлавия тариқати вакиллари ўзларининг гуманистик ва толерантлик ғояларини асосий марказга қўйганлиги билан фарқланади.

Диссертациянинг II боби “**Жалолиддин Румийнинг ижтимоий қарашларига оид концепциясини шаклланишида консенсуслик хусусиятларининг ўрни**” деб номланган бўлиб, бу боб 3 параграфдан иборат. У ўзининг ижтимоий қарашларида жамиятдаги кишиларда тил бирлигидан кўра дил бирлиги, яъни якдиллик ва ҳамжиҳатлик ғояларининг етакчилик қилиши тарафдоридир. Жамиятдаги мавжуд муаммоларни зўравонлик билан ҳал этиш ҳолатларини Мавлоно қаттиқ қоралайди. Румийнинг фикрича, жамиятда турли тартибсизликлар, адолатсизликлар ва урушларнинг содир бўлиши ўша давлатнинг маърифатли, илмли кишилари ўз мамлакатларини тарк этишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам мутасаввиф ўз ижтимоий қарашларида халқнинг зиёли қатлами ҳар доим давлат раҳбари эътиборида бўлиши ҳамда қўллаб-қувватланиши лозимлигини таъкидлайди ва шу орқали ўз мелиористик қарашларини ҳам ривожлантиради. Шунингдек, давлат ва жамият ишларида фаол бўлган кишилар юртнинг фидойи кишиларидир дейилади Жалолиддин Румий фалсафасида. Инсон қадр ва манфаатини аллома ўз қарашларида барча нарсдан устун қўяди. Шу сабабдан у ўз даврида барча дин ва миллат вакиллари – мусулмон, яҳудий, насроний, форс, ҳинд ҳамда араб билан бирдек дўстона муносабатда бўлиб, уларни ўз биродарлари деб билган. Румий тили, дини, ирки ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, барчага аввало Инсони олий деб қараган ҳамда эл орасида бўлишни, халқпарвар бўлишни тарғиб этган. Жалолиддин Румийнинг шахси ва башарият шоири сифатида донг таратишига сабаб бўлган жаҳоний юксаклиги ҳақида сўз борар экан, унинг жамики инсониятга аввало Инсони олий деб қараши ҳамда улар орасида тенглик ва бағрикенгликни, барчамиз бир оиланинг фарзандлари, бир дарахтнинг бутوقлари, бир қўлнинг бармоқларимиз деган муштараклик ғоялари сабабидан бугунги кунга қадар Мавлоно шахсияти атрофида у бизнинг аждодимиз, бизнинг диндошимиз деган баҳслар авж олмоқда.

Мутасаввифнинг бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ҳақидаги ғоялари бугунги жадал суръатда ривожланаётган жаҳон сиёсати харитасидаги ўзгаришлар шароитида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Румийнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, диний бағрикенглик, ўзаро тинч-тотувлик ғояларига асосланган ирфоний қарашлари бугунги кунда барча халқлар учун бирдек аҳамиятлидир. Хусусан, ҳозирда мусулмон оламида долзарб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда ислом олами атрофида вужудга келаётган турли ақидавий муаммоларни ижобий ҳал қилишда ўзаро ҳамжиҳатликнинг ўрни бекиёсдир.

Жалолиддин Румий ўзининг фалсафий-ирфоний қарашларида оила ва эр-хотин муносабатлари ҳақида сўз юритаркан, эркакни ақлга, аёлни эса

нафсга қиёслайди. Чунки эркак киши табиатан оғир-босиқ бўлганлиги туфайли оилада юзага келадиган турли муаммоларга у ақл нуқтаи назаридан жиддий ёндашади, узоқни ўйлаб қарор қабул қилади. Аёл киши эса табиатан йиғига мойил ва ҳиссиётга берилувчан бўлганлиги туфайли кўп ҳолларда ўз манфаатидан келиб чиқиб кескин қарорлар қабул қилади. Бунинг оқибатида эса оиладаги турли кичик низолар катта надомат келтиради дейди. Мавлононинг фалсафий қарашларида оила мустаҳкамлиги масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган ва аллома ўз қарашларида жамият маънавий ҳаётида муҳим омил ҳисобланмиш оилаларнинг мустаҳкамлиги ҳамда фаровонлиги бевосита томонларнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзаро тенглигига бориб тақалади деган назарияни илгари суради. Барча оилаларда ҳам учрайдиган иқтисодий тангликларни эса Мавлоно бу айб эмас, балки Тангрининг эр-хотин сабрини синовчи имтиҳонидир дея баҳолайди.

Диссертациянинг III боби **“Жалолиддин Румий фалсафий қарашларида маънавий-ахлоқий қадриятлар тематикаси”** деб номланган. Бу бобда мутасаввифнинг инсон антропогенезисига оид фикрлари таҳлил этилган.

Шарқда VIII-XII асрларда қадриятлар ҳақидаги қарашлар ривожлана бошлади ва бундай қарашларнинг ривожланиш тарихи эса халқ оғзаки ижоди, антик даврлар фалсафий дунёқараши ҳамда қадимги Шарқ халқларида яратилган ривоятлар, афсоналар, ҳикоялар-у масалларнинг тарихий генезисига бориб тақалади. Жалолиддин Румий ўз фалсафий қарашларида Ислом динининг илоҳий қадриятларини манавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғунлаштира олган буюк алломалардан бири ҳисобланади. У ўзининг асарларида маънавий қадриятларга оид илм, тавба, ишқ, муҳаббат, меъёр, адолат, ҳақиқат, ҳалоллик, нафс, иймон, инсоф, устоз-шогирдлик ва эътиқод каби мавзуларга кўп ўринларда тўхталиб ўтган. Мутасаввиф ўз фалсафий қарашларида ахлоқий қадриятларга оид одоб, ахлоқ, ёлғончилик, омонат, меҳр-муҳаббат, сахийлик, тарбия, мағрурлик, мунофиқлик, ота-онага ҳурмат, оила, шукр, ҳасад, вафодорлик, қаноат, яхшилик ва ёмонлик масалаларини ҳамқаламга олган. Шунингдек, умуминсоний қадриятларга оид тинчлик, дўстлик, мардлик, огоҳлик, хушёрлик, ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликка оид фалсафий мулоҳазаларга Румий асарларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш жараёнида кўп дуч келамиз. Аллома фалсафий қарашларида маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ахлоқий камолот масалалари етакчи мавзулардан ҳисобланади.

Ушбу бобда алломанинг “Мен минерал сифатида ўлиб, ўсимликка айландим. Мен ўсимлик сифатида ўлиб, ҳайвонга айландим. Мен ҳайвон сифатида ўлиб, Инсонга айландим. Мен Инсон сифатида ўлиб олий Тангри ва фаришталар ҳузурига йўл олдим” деган диалектиканинг қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонунига асосланган таълимоти фалсафий-қиёсий таҳлил этилган. Жалолиддин Румий ўзининг “Маснавийи маънавий” асарида борлиқдаги жамики ўзгаришлар, ривожланишлар ва зиддиятлар инсонда мавжуддир дея таъкидлайди. Бир ўринда эса Инсон руҳи

хусусиятларини ўрганишда Олам ва Одамни яратган Аллоҳ жавҳари, исмлари, қудрати ва моҳиятини тушуниш орқали амалга ошишига ишора қилади. Мавлонога кўра, инсон характерида қанчалик жоҳиллик, ваҳшийлик, разолатга мойиллик кўп бўлса у ҳайвонсифатдир, инсон қанчалик ҳалим, илмли ва камтар бўлса, у малаксифатдир. Лекин бир инсон фақат ҳайвонсифат ёки малаксифат бўлолмайди. Чунки инсоннинг зоҳирий яратилиши сув ва тупроқ, ҳаво ва олов каби бир-бирига қарама-қарши унсурлар бирикувидан яратилган. Шу сабаб бу фазилатлар унинг характерида бўлиши табиийдир. Бу хусусида Жалолоддин Румий ўзининг “Девони Кабир”даги ғазалларидан бирида шундай дейди:

На аз хокам, на аз бодам, на аз обам, на аз оташ,
На аз Аршам, на аз фаршам, на аз савнам, на аз конам.

Мазмуни:

На тупроқман, на елдурман, на сувданман, на оташман,
На Аршданман, на ерданман, на дунё-ю, на кониданман.

Жалолоддин Румийнинг илмий меросида Инсон моҳияти ва камолоти масалаларини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиш жараёнидан қуйидаги йўналишлар келиб чиқади:

- инсон моҳияти, унинг камолоти ҳақидаги тушунчаларимизни теранлаштиради ва шу орқали ўқувчида инсон борлиги ҳамда руҳий маънавий олами ҳақида теранроқ мушоҳада юритишга замин ҳозирлайди;

- инсон умрининг мазмун-моҳияти ва яралиши, яшашидан асосий мақсад нима эканлигини англашга ёрдам беради;

- инсон гносеологияси – билиш, илм-маърифатли бўлишга даъват этувчи тушунчалар, ақл ва қалбнинг билиш жараёнидаги аҳамияти каби муҳим масалалар тўғрисидаги қарашлар вужудга келади.

Алломанинг “Ичиндаги ичиндадир” асарида шундай фикр келтирилади: “Агар инсон яхшилик ва ёмонликка рози бўлсайди, уларни амр этмасди, ман қилмасди. Хулоса шуки, ёмонлик ўзга биров учун исталади. Агар инсон ҳар яхшиликни истовчилар дейилса, ёмонликни даф қилиш ҳам бир яхшилик ҳисобланади. Модомики, ёмонлик бартараф қилинмоқчи экан, бу фақат ёмонликнинг мавжудлиги билан бўлади¹”. Румийнинг фикрича, яхшилик ва ёмонлик тушунчалари бевосита инсон ахлоқи билан боғлиқ. Инсон ярим фаришта ва ярим ҳайвон бўлган жонзотдир. Бироқ инсонда ирода эркинлиги бор ва у ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракати учун жазо ҳамда мукофот олади. Жалолоддин Румийнинг фалсафий қарашларида ақл ва муҳаббат масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Мутасаввиф бу мавзудаги гепотик назарияларини Ҳақиқат категорияси мисолида тушунтиради. Унга кўра, ҳақиқат икки жиҳатдан ўрганилади. Биринчиси – инсоннинг рационал ва иррационал билимлари орқали, иккинчиси – интуитив билиш яъни Ҳақни англаш ва Аллоҳ тажаллийсига етишишни тушунтириш орқали. Аммо Аллоҳни билиш учун иккинчи усул муҳимдир ва бу йўлда илм эмас, муҳаббат асосий

¹Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадир.-Т.:Янги аср авлоди, 2013.-Б.183

тамойил эканлиги Румийнинг фалсафий ғояларида марказий ўринни эгаллайди.

Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларида онтология, гносеология, социология ва ахлоқ категориялари ҳақидаги назариялар етакчилик қилади. Румий ижодининг ахлоқий қадриятларга доир муҳим гносеологик нуқталари бевосита одоб-ахлоқ муаммолари билан ҳам боғлиқдир. Мутасаввифнинг ахлоқий қарашларида юксак маънавий қадриятларга ва ижобий фазилатларга интилиш, эга бўлиш масалалари хусусида ҳам сўз боради. У ўзининг ахлоқий қадриятларга оид қарашларида ахлоқий фазилатларни ривожлантириш лозимлигини таъкидлаган ҳолда, инсондаги ахлоқсиз фазилатларни қаттиқ қоралайди. Румий қадимги файласуфлар изидан бориб, эзгулик учун курашни инсон ўзидан бошлаши керак, ана шундагина сўзинг амалга айланади ва у албатта жамият томонидан баҳоланади¹ дейди. Унинг фикрича, ёмонликнинг бу дунёда мавжуд бўлмаслиги мумкин эмас, чунки яхшилик ва ёмонлик тушунчалари бевосита инсон ахлоқи билан боғлиқдир.

Жалолиддин Румийнинг илмий меросида илм ва маърифат масалаларига нисбатан бўлган муносабат, айниқса, ибратлидир. Румийнинг фалсафий қарашларида етакчилик қиладиган асосий ғоялардан бири шуки, борлиқдаги ҳар бир нарсанинг муайян асоси мавжуд. Шунга кўра, билишнинг асоси илмдир. Румий илм олиш, билиш, ўрганиш ва изланишни инсондаги асосий хусусиятлардан бири деб талқин этади. Демак, оламни билиш, илмли ва маърифатли бўлиш фикрлаш орқали шаклланади. Шундай экан, оламни билиш барча эзгуликни ва жамият тараққиётининг асосидир, ҳар бир ўзлигини англаган инсон илм эгаллаши лозимлиги ҳақидаги ғоялар аллома қарашларида етакчилик қилади.

Румийга кўра, инсонда емоқ ва ухламоқдан бошқа яна бир озиқ бор. Бу илмдир. Инсон кўп ҳолларда ушбу озиқни унутади, кеча-кундуз моддий озиқ илинжида меҳнат қилади. Инсонга илм олиш имкони ҳар доим ҳам берилавермайди. У мана шу имкониятдан унумли фойдалана олсагина юксалади. Илм келмайди, уни истаб борилади.

Румийнинг фикрича, ҳар бир нарсанинг муайян субстанцияси бўлади, шу жумладан, билишнинг ҳам. Аллома ўз фалсафий қарашларида билишнинг асоси илмдир деган ғояни илгари суради. Жалолиддин Румий илм эгаллашнинг фойдаси, билиш ва бу билимларни инсоният маънавий камолотини юксалтиришдек эзгу мақсадлар йўлиди сарфлаш ғоясига ўз асарларида бир неча бор тўхталиб ўтган. Маълумки, оламни англаш, илму-ирфонли бўлиш соғлом фикрлаш орқалигина эришиладиган ҳолатдир. Исталган нарсага кўр-кўрона ишониш ва эргашиш мусулмон аҳлининг йўли эмас. Шундай экан, оламни англаш ва тушуниш ҳар қандай эзгулик ҳамда тараққиётнинг асосий омилидир. Мутасаввиф ўз фалсафий-ирфоний қарашларида ҳар бир мусулмон илм олишга интилмоғи лозим деган ғояни илгари суради ва шу ғоя атрофида барча жаҳон афкор оммасини бирлашишга чорлайди.

¹Абдулла Шер. Халқни англасанг - Ҳақни англайсан. - Гафаккур // 2010. № 1. - Б. 85.

Мавлоно Румийнинг “Маънавийи маснавий” асаридаги “Касал жория” ҳикояси буюк шоҳ асарнинг энг узун ҳикоялардан бири ҳисобланади. “Касал жория” ҳикоятидаги жория қиз аслида нафсдир. Нафснинг инсонни қул этиши жория қиз тимсолида очиб берилган. Қуръони Каримда нафс калимаси 3 хил сифат билан келади: биринчиси – “Нафси аммора” – (Ёмонлик-гуноҳга) буюргувчи нафс - “Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс – агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса – албатта барча ёмонларга буюргувчидир¹; иккинчиси – Маломатгўй нафс; учинчиси – Хотиржам – сокин нафс – Эй хотиржам, сокин жон; Сен (Аллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (ҳузури)га қайт!²”

Жалолоддин Румий ўз асарларида нафсни бир ўринди итга қиёслаб, нафс итингни ўлдириб, ўзингни бу душмандан халос эт деса, яна бир ўринда нафсни эшакка менгзаб, бу эшакни маҳкам боғлаб назорат қил, сенинг эҳтиёжингдан ортиқ бўлган юкни ташишга у интилмасин дейди. Бошқа бир ўринда эса нафсни хўкизга қиёслаб, уни тезроқ ўлдир ва унинг талабларидан кўнглингни халос эт дейди ҳамда шундай ёзади:

Ваъдалар бергай сенга ул басма – бас,

Ваъдаларга сўнг ўзи бергай шикаст³.

“Ҳали бадан яратилмасидан олдин руҳ олами бор эди. Унинг йўли бу дунё айвонидан ўтаётганида “нафс” жорияси аталмиш ақл-хушдан айирувчи бир гўзални кўрди. Унга телбаларча ошиқ бўлди ва қул-хизматкор ҳолига тушди. Қисқаси, дунё ҳаваслари-ю эҳтиросларига маҳлиё нафсининг асирига айланди⁴”.

